O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 7-fevral, chorshanba, 5 (388)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Тошкент туманидаги «Миллий фарфор» масъулияти чекланган жамиятида 70 нафардан ортиқ киши ишлайди. Бу ерда тайёрланаётган чинни буюмлар қаторига яна уч хил маҳсулот қўшилди. Йил бошидан буён чинни цехида «Зиёда сервиз», «Париваш», «Қора шаҳзода» номли янги турдаги маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

СУРАТДА: бош технолог Маҳфуза МАҲАМАДЖОНОВА.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Фракция йиғилиши

ОМБУДСМАН ҲИСОБОТ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, Марказий кенгаш девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди. Кун тартибидаги масала — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисида Сайёра Рашидова ахборот берди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда ҳам парламент Омбудсмани фаолиятида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият қаратилди. Хусусан, Омбудсман институтига 7655 та, шу жумладан, марказий офисга 4753 та, минтақавий вакилларга 1377 та, такроран 878 та мурожаат тушди, ишонч телефонлари орқали 647 та мурожаат бўйича юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида ҳам фаол иштирок этди. Чунончи, 2006 йилда Омбудсман институти "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон республикасининг "Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари бўйича ўз таклифларини тақдим этди.

Инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасида мониторинг ўтказиш механизмларини такомиллаштириш Омбудсман фаолиятининг ҳисобот давридаги асосий йўналишларидан бири бўлди. Масалан, 2006 йилда уй-жой коммунал хизмати юзасидан фуқаролар мурожаатларининг камаймаётганлиги ҳисобга олиниб, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан республиканинг турли шаҳар ва туманларидаги уй-жой мулкдорлари ҳуқуқларининг таъминланишига доир мониторинг ўтказилди. Натижада 434 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг фаолияти ўрганилди, анкеталаштириш ва сўровларда 25 минг нафарга яқин фуқаро иштирок этди. Мониторинг натижалари уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини кўрсатди.

С.Рашидова Омбудсман институти томонидан ўтган даврда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан ҳам кенг кўламли ишлар бажарилганини таъкидлади. Ушбу фаолият Омбудсманнинг ўз тадбирларини ташкил этиш йўли билан ҳам, парламент палаталари ва миллий шерикларнинг ахборот-маърифий руҳдаги тадбирларида, инсон ҳуқуқлари бўйича адабиёт ва материалларни нашр этиш ҳамда тарқатишда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда иштирок этиш йўли билан ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидландики, Омбудсманнинг хулосаси тавсия характерига эга.

Фракция йиғилишида бажарилган ишлар, эришилган ютуқлар қаторида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятида мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари институти алоҳида қўллаб-қувватлашни ва эътиборни талаб қилаётганлиги қайд этилди.

ЎзМТДП фракцияси Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Йиғилиш иштирокчилари партия ва фракция фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Устоз — отангдек улуғ

ЭЗГУ АНЪАНА ДАВОМЧИЛАРИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан олиб борилаётган ишлар режасида миллий қадриятларни тиклаш баробарида устоз-шогирдлик анъаналарига бўлган эътиборни яхшилашга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Жойлардаги партия фаоллари иштирокида ўтаётган тадбирларда бу анъана ёш авлоднинг соғлом муҳитда ўсиб-улғайиши учун ҳар томонлама фойдали эканлиги айтилади доим. Ҳар бир йиғилиш, учрашув ва мулоқотлар натижаси ҳам буни исботлаб турибди. Партия Марказий кенгаши, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилган «Устоз — отангдек улуғ» номли илмий-амалий анжуманда ҳам ана шу ҳақда сўз борди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ҳамда ЎзМТДП фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов маъруза қилди. У жамиятда авлодлар ўртасида соғлом давомийликни мустаҳкамлаш, ҳар бир соҳанинг ҳақиқий эгаларини вояга етказиш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши томонидан устоз-шогирдлик анъаналари асосида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб, бу анъананинг давом этиши келажагимиз эгалари учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Тадбирда ўқиту вчилар сўз олиб, ўқув юртида кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапиришди. Устозлар сафдошларимиз бошлаган эзгу ҳаракатни қўллаб-қувватлашга ҳар доим хайрихоҳ эканликларини айтишди.

Анжуманда, шунингдек, устоз-шогирдлик анъаналарининг тарихий замини, одоб-ахлоқ қоидалари, таълим тизимида устоз ва шогирд анъаналаридан фойдаланишда қандай мезон ва меъёрни танлаш лозимлиги ҳақида сўз борди. Тадбирда сўзга чиққанлар касб-ҳунар коллежларида "Устоз-шогирд" мавзуида ўқув-тарбиявий тадбирларни ўтказиш методларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, амалий санъат йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан фикр алмашишди.

Ўз мухбиримиз.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Ўзбек давлатчилиги тарихи» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Денов туман кенгаши хотин-қизлар қўмитаси, касб-ҳунар таълими вилоят бошқармаси ва вилоят қўғирчоқ театри билан ҳамкорликда «Оқила қиз» кўрик-танловини ўтказди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туман кенгаши ташаббуси билан «Мустақиллик ва ёшлар» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши томонидан «Хотин-қизлар қаноти иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзуида ўқув-семинари ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қўқон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар ўртасида ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш муаммолари» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят Боёвут туман кенгаши томонидан «Ватан — ягона оила» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан «Фаол аёл — жамият таянчи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий қадриятлар — миллат шаъни» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Наманган шаҳар кенгаши томонидан «Ўзбекистон келажаги — менинг тасаввуримда» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд вилояти Нуробод туман кенгаши Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Президент асарлари билимдони» мавзуида кўрик-танлов ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгашида Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори юзасидан партия Марказий кенгашининг чора-тадбирлари режаси асосида йиғилиш ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

КЎНГИЛ ИСТАР САТРЛАР СИРИ

Ислом оламида мақтовга жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлинади. Айниқса, "буюк" деган сўзни ишлатишда ўта ҳушёрлик талаб қилинади. Чунки "Оллоҳу акбар" — Оллоҳгина буюк! Буни исботлаш учун кўп далил шарт эмас. Биргина чумолини яратишки одамзоднинг қўлидан келмас экан, шубҳасиз, Оллоҳ буюкда!

Лекин Худо одамни ўзига ўхшатиб, яъни бунёдкор қилиб яратди. Бунёдкордан бунёдкорнинг фарқи бор. Алишер Навоий шунинг учун буюкки, у, "Хамса"сининг охирида ўзи гўё Низомий Ганжавий тилидан қилиб айтганидек, одамзоднинг қўлидан келмайдиган ишни амалга оширди:

Ки келди замонида сендек киши, —
Ки эрмас ишинг одамизод иши.

Навоийнинг буюклигини исботлаш учун "Хамса"нинг ўзи етарли.

Шоир йигирма беш — йигирма саккиз ёшлари орасида Самарқандда ўқиди. Шу ердан туриб устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида: "Агар менинг бошимни силайдиган бир раҳнамо-ҳомий топилса, ийҳом асосида, яъни сўзни бир бор қўллаб, бир йўла икки-уч маъно чиқадиган қилиб ёзиш талаб этилганида ҳам ҳар куни юз байт ёза оламан, Фирдавсий "Шоҳнома"ни ўттиз йил битган, менга қолса, бундай катта асарни ўттиз ойда битар эдим", — дейди.

1469 йили Хусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллагани заҳоти дўсти Алишерни Ҳиротга чорлади. Шу ҳукмдор шарофати билан Навоий фаол ижод этиш имкониятига эга бўлди. Шунинг учун ҳам шоир шоҳни улуғ бобоси Амир Темурга ўхшатиб, "соҳибқирон", бахтли лаҳзада туғилган зот, яъни замонларнинг эгаси, деб мақтайди.

Ҳусайн Бойқаро эса "Рисола" деган асар ёзиб, аксинча, Навоийга: "Сиз соҳибқиронсиз, замонлар келади, одамлар Сизнинг асарларингиз туфайли мени эслайди", — дейди.

Ана шу шеърият "соҳибқирон"и, чиндан ҳам, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сича келадиган "Хамса"сини икки йилда битди. Давлат ва халқ ишларидан ортган пайтларим ёздим, агар бевосита машғул вақтимни ҳисобласа, ярим йил чиқади, дейди шоирнинг ўзи. Ҳолбуки, Низомий Ганжавий ҳам, Хусрав Деҳлавий ҳам ўз "Хамса"ларини тугаллашга ўттиз йилдан вақт сарфлаган эди.

Дунё адабиёти 50 минг мисрадан зиёд бу қадар юксак шеърий асарни олти ойда битган бошқа бирон-бир шоирни кўрган эмас.

Навоий буюклигининг иккинчи бир исботи шуки, унинг бир ўзи туркий тилдаги шеъриятни Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомий каби улуғ-улуғ форсий қалам соҳиблари кўтарган баланд чўққига олиб чиқиб кўйди. Устози ва пири Абдураҳмон Жомий худди шунинг учун ҳам Навоий ҳақида: "Хайрият, у туркийда ёзди, агар форсийда ижод қилганида эди, бизга нон қолмас эди", — мазмунида фикр айтди.

Навоий туркий адабиётни, шеъриятни ўзигача бўлган шоирлар ва адиблар даражасидан шу қадар юксак бир поғонага кўтардики, йигитлик пайтларида битилган биргина ғазалидаги адабий қувватни ҳис этиб, Мавлоно Лутфий ўзининг 10-12 минг байтли

(Давоми 2-бетда).

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

САХОВАТ ХУРСАНДЧИЛИК ДЕГАНИ

Қувада савоб иш қилиб хурсанд бўладиган инсонлар кўп. Бу гўшада гуллар ҳам бошқача ўсади. Тангри ризқ ато этган нарсалардан эҳсон қилиш бу ерлик тадбиркору савдогарларга хос одат.

Қуванинг энг чиройли кўчаларидан бири Иброҳим Каримов номи билан аталган. Умрини одамларга яхшилик қилишга бахшида этган бу инсонни саховат гулшанининг булбулига қиёс этиш мумкин. Меҳрибонларидан айрилган юзлаб болаларнинг бошини силаб, уларга ўз ҳисобидан суннат тўйлари қилишни, кам таъминланган оилаларда вояга етган йигитларнинг никоҳ тўйларини ўтказиб беришни йўлга қўйган бу сахий инсон номини ҳамюртлари доимо улуғлаб тилга олишади. Раҳматли Иброҳим Каримов ҳақида кўп маротаба мақолалар ёзишган.

Ҳаёт мактабида шуни англадимки, туғилиб ўсган юрти, қишлоғи билан фахрланадиган, аҳли илмларни қадрлайдиган, ўзи суйган нарсасини одамларга ҳам раво кўра оладиган, шогирдлари беҳисоб, иш билгувчи — тадбирли инсонларга кўпчилик ҳавас назари билан боқаркан. Бундай олижаноб инсонларнинг номлари оламдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам яхшилик билан тилга олинаверар экан.

Устоз — отангдек улуғ деган нақл бор. Иброҳим Каримовни устозим деб номини улуғлаб юрадиган, ўзи ҳам устоз каби саховатли-оқибатли шогирдлари беҳисоб. Шундай шогирдларидан бири Муродил Ҳайдаров ҳам эл назарига тушган. Жамоасидан орттириб беғараз, беминнат ёрдам кўрсатиш, тўғриси, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шукроналар бўлсинки, юртимизда халқимизга хос ана шундай азалий-миллий қадриятларни улуғлаб, уларни давом эттириб келаётган жамоалар кўплаб топилади.

Муродил Ҳайдаров етакчилик қилаётган туман матбуот савдо акциядорлик жамияти жамоасида шундай хайрли ишларни амалга ошириш анъанага айланган. Улар Ижтимоий ҳимоя йилини муносиб ўтказиш мақсадида режали дастур асосида ҳаракат қилишаётир. Эзгулик ва саховатли ишлар кишини беихтиёр тўлқинлантириб юборади.

Январь ойининг ўзидаёқ акциядорлик жамияти ҳисобидан кам таъминланган оилаларга

(Давоми 2-бетда).

КЎНГИЛ ИСТАР САТРЛАР СИРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

туркий ва форсий меросини шу биргина ғазалга алмашлашга рози эканини изҳор этди.

Ғарб ва Шарқ адабиётлари ўзаро таъсири ҳақида сўз кетганда аксар ҳолларда ўрта асрлар биринчи Шарқ Уйғониш даври, яъни IX-X асрлар буюк мутафаккирларининг ундан кейинги замонлар Ғарб ижодкорларига, масалан, Абу Али ибн Синонинг Алигьерри Дантега таъсири тилга олинади. XX асрга келиб эса Ғарбнинг Шарққа таъсири кескин кучайди.

Бироқ тамаддуннларнинг (цивилизацияларнинг) кўчиб юриши қонуниятига кўра, антик давр Ғарб маданияти Европанинг ўзида унутилиб кетган бир даврда, яъни IX-X асрларда Шарқ Ғарбни чуқур ўрганди.

Шарқдаги иккинчи Уйғониш даври XIV-XV асрларга тўғри келади. Бу давр фикрий тараққиётини ҳам Ғарб тамаддунидан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Алишер Навоий ижоди ҳам худди шундай. Шоир асарлари бунга ёрқин мисол.

"Хамса"нинг бешинчи достони — "Садди Искандарий" бош қаҳрамони айнан Искандари Мақдуний, яъни Александр Македонский. Асардаги иккинчи асосий қаҳрамон эса унинг устози Арасту, яъни Аристотель.

"Хамса"нинг иккинчи достони — "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳоднинг илм сирини очиш учун айнан Юнонистонга сафари каттагина қисмни ташкил этади. Бу сафарида у Суҳайло ҳаким (философ) билан, шунингдек, бутун башариятга таниқли Суқрот, яъни Сократ билан кўришиб, суҳбатлашади, улардан илм ўрганади.

Шоирнинг олтинчи достони бўлмиш "Лисон ут-тайр"даги энг катта ҳикоятда Шайх Саньоннинг насроний, яъни христиан қизга ошиқ бўлиши, шу ишқ оташида Румга, яъни Византияга бориши воқеалари батафсил ҳикоя қилинган. Аввалига қиз ошиғини тоза қийнайди. Аммо охирида ўзи ҳам унга ошиқа бўлиб, шайхнинг динига киради, ёрининг қўлида жон беради.

Бугун баралла таъкидлашимиз зарур бўлган бир гап шуки, демократия — амалда бутун башариятнинг жамият тараққиётида аср-асрлар мобайнида эришган ютуғи. Бу ютукда Ғарбнинг ҳам, Шарқнинг ҳам бирдай ҳиссаси бор. Албатта, бугун демократик принципларни ўз жамиятида жорий этишда Шарқ Ғарбдан жуда кўп нарса ўрганиши керак. Бироқ демократияни ҳозирги даражага олиб чиқишда Ғарб, шубҳасиз, Шарқдан ҳам ўрганган.

Биргина Алишер Навоий ижоди ҳам шундай дейишга тўла асос беради.

Шоир ўз укаси, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Балхда (ҳозирги Афғонистоннинг Мазори Шариф вилояти ҳудудида) ҳокимлик қилган Дарвешалига насиҳатларидан бирида, уч нарсага қатъий амал қилишни айтади. Биринчиси, Оллоҳ ҳукмига. Иккинчиси, пайғамбар сўзига. Учинчиси, подшоҳнинг фармон ва кўрсатмаларига. Бироқ, дейди демократ шоир, подшоҳнинг буйруғини муҳокама қилиш, унга эътироз билдириш, қай бир масалада аниқлик киритиш зарурати туғилса, подшоҳга хат билан мурожаат қил. Шуни унутмаслик керакки, подшоҳга хат билан мурожаат қилиш туғишган акага хат йўллашдан фарқ қилади. Буни ҳам унутмаслик керак. Улуғ мутафаккирнинг бу ўгитлари бугун ҳам демократия чексиз ҳуқуқлар мажмуи эмас, балки, аввало, қонунга риоя қилиш экани ҳақидаги умумбашарий қарашларимизга жудажуда ҳамоҳанглиги билан кишини лол қолдиради.

Бир ғазалини шоир дабдурустдан:

Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл,
Мендину, кимдинки кўнглунг истамас, озод бўл, —

деб бошлайди. Маъноси шуки, киши ҳамиша кўнглига ёқадиган одамлар билан ўтириб-туриши, оғайнигарчилик қилиши керак. Агар кимдир унинг кўнглига ёқмаса, яхшиси, ундан узоқлашиш лозим. Мабодо, кўнглингга ёқмайдиган киши мен бўлсам, мендан ҳам қутул, дейди шоир мардлик билан. Ахир, бу демократиянинг бош принципи эмасми?! Сенга ёқмаган кишининг ҳам яшашга ҳаққи бор. Индама, ундан ўзингни узоқ тут, бошқа йўлинг йўқ, чунки у ҳам тенг ҳуқуқли инсон, у ҳам яшаш ҳуқуқига эга.

Шунинг учун ҳам Ғарб Навоийни буюк зот деб билади. Шунинг учун ҳам вафотидан кўп ўтмаёқ унинг асарлари Ғарб оламига кириб борди. XVI асрдан бошлаб то ҳозиргача шоир асарлари дунёнинг, жумладан, Ғарб оламининг жуда кўп тилларига таржима қилиб келиняпти.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Россия Федерацияси, Япония давлатларининг пойтахтларида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани, Озарбойжон Республикаси пойтахтида улкан ҳайкал ўрнатишга тайёргарлик кетаётгани ҳам бежиз эмас.

Халқимиз то абад биргина Алишер Навоийдек шоири борлиги учун ҳам "кўкси қалқон" бўлиб юришга ҳақли.

Султонмурод ОЛИМ.



ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган «ПГС» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида ҳозирда 24 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жамоада 30 га яқин ишчи меҳнат қилади. Бу ерда тайёрланган турли ҳажмдаги электр печлари ва кичик нон ёпиш ускуналари, электр қозонлар, қаҳва қайнатиш, кабоб пиширишга мўлжалланган электр асбоблари харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: электромонтажчи Эдем Ваниев иш устида.



Партия ҳаёти

Янгийўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоғидамиз. Ҳамза номидаги 44-мактаб ҳар кунгидан файзли, гавжум. Шу куни мактабда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, таниқли шоира Шарифа Салимова, туманнинг 82-сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Мунира Қориева билан учрашув бўлиб ўтди.

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланди. Ш.Салимова қонун лойиҳалари муҳим ҳужжат эканлигини таъкидлаб, уларнинг муҳокамага қўйилишидан кўзланган мақсад ҳақида гапирди. Маърузачи иштирокчилардан тушган саволларга тегишлича жавоб қайтарди.

Шунингдек, йиғилишда қонун лойиҳалари сиёсий партиялар вакиллари учун қандай имкониятлар яратиши ва уларнинг зиммасига чуқур масъулият юклаши ҳақида ҳам сўз борди. Бундан ташқари, партиямиз фаоллари давлатимиз раҳбарининг Конституциянинг 14 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида ҳам гапиришди.

Шундан сўнг депутат Мунира Қориева Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ҳукуматимиз томонидан давлат бюджети ҳисобидан катта маблағ ажратилганлиги, саховатли бўлиш азалдан миллий қадриятларимиздан саналганлигини таъкидлади.

Партиянинг Янгийўл туман кенгаши раиси Баҳринисо Имомова мактабдаги 47 нафар ўқитувчининг барчаси "Миллий тикланиш"чилар эканлигини фахрланиб гапирди. Ота-оналар номидан тушган саволларга депутат Мунира Қориева, Янгийўл тумани ҳокими ўринбосари Олимжон Файзиев жавоб қайтаришди.

Йиғилиш сўнгида мактаб директори, партиямиз фаоли Нажмиддин Жўрабоевга партиянинг Тошкент вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Қутлуғ ёшни қаршилаган таниқли маорифчи, тажрибали устоз Н.Жўрабоевни шогирдлари ҳам қутлаб, яхши тилаклар билдиришди. Мактабнинг ташаббускор, фидойи ўқитувчиларидан бири гуруҳи ҳам фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Партиямизнинг янги аъзоларига аъзолик билетлари топширилди.

Насиба ОЧИЛОВА.

ФАОЛЛАР ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг муҳокамага қўйилиши мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва уларнинг аъзолари зиммасидаги масъулиятни янада кучайтирди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида Тошкент молия институтида бўлиб ўтган "Мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли" мавзуида ўтказилган илмий-назарий семинар ҳам юқоридаги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, молия институти ўқитувчи ва талабалари иштирок этган йиғилишни институт ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Алишер Ваҳобов кириш сўзи билан очди.

Партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов қонун лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман, шаҳар кенгашларининг навбатдан ташқари пленумларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида атрофлича муҳокама қилингани, уларда мазкур қонун лойиҳалари тўла қўллаб-қувватлангани ҳақида гапирди. Маърузачи, шунингдек, ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини партия етакчилари, фаоллари ва аъзолари орасида янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида партия электорати ўртасида махсус ўқувлар режаси ишлаб чиқилганлиги, жамоатчилик орасида обрў-эътиборга эга бўлган, юқори малакали кадрларни жалб қилиш орқали партия сафларини мустаҳкамлаш ишларига эътибор қаратилаётганлигини ҳам таъкидлади.

Шундан сўнг ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Лола Саидова, тарих фанлари доктори, профессор Қамариддин Усмоновларнинг ҳам маърузалари тингланди. Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов сўз олиб, "Сиёсий партиялар ва миллий қадриятлар" мавзуида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Профессор-ўқитувчилар талаба ёшларнинг қонун лойиҳалари билан чуқур танишишлари зарурлиги, уларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун етарлича имкониятлар яратилгани, шу билан бир қаторда партия аъзоларининг халқ ичига кириб бориши долзарб масала эканлиги ҳақида гапирдилар. Тадбирда сўзга чиққан йиғилиш иштирокчилари ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани, муҳокамага қўйилган қонун лойиҳалари ҳам жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий фаолликни янада оширишга хизмат қилишини таъкидлашди.

Зумрад ВАҲОБОВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Таълим ва ислоҳот

Мустақил давлатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим тизимига эътибор яхшиланган бугун ўз самарасини бераётир. Қарши Санъат коллежида бўлганимизда бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Коллеж директори Салим Сайимов билан ўқув юртида олиб борилаётган ишлар, талаба ёшларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида суҳбатлашдик.

ЁШЛАРИМИЗ САНЪАТГА ОШНО

— Коллежнинг тарихи ва бугуни ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳозирги коллеж биноси ўрнида 1973 йилда ташкил топган Қарши давлат санъат билим юрти бўларди. Узоқ йиллардан буён бу даргоҳ санъатга ошно қалблар учун севимли маскан бўлиб келаётир. 2003 йилга келиб билим юрти базасида 450 ўринга мўлжалланган янги коллеж ташкил қилинди. Ҳозирда ўқув даргоҳимизда 14 та йўналиш бўйича 19 та гуруҳларда 451 нафар ўқувчи-талаба таҳсил олмоқда. Коллежимизда ўқув режасидан ташқари вояга етмаганлар ишлари бўйича тадбирлар режаси ҳам тузилган. Талабаларимиз орасида ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ота-онасиз ўғил-қизлар ҳам бор. Бу шу даргоҳда ишлаётган барча ўқитувчи ва муаллимлар зиммасига алоҳида бир масъулият юклайди. Фан ва спорт тўгараклари ишлаб турибди. 59 та махсус фан хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва майдончалари, тренажёр хоналари фаолият юритмоқда. Вақти-вақти билан турли хил тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб турамиз.

— Талабалар қайси йўналишлар бўйича таҳсил олишаётир?

— Коллежимизда санъатга иштиёқманд, кўнгли ижодга ошно ёшлар таҳсил олишади. Уларнинг аксарияти санъат сирларини ўрганиш бўйича дастлабки сабоқни мусиқа мактабларида олишган. Бироқ улар орасида бирор чолғу асбобини чалишни билмаган, фақат ҳавасманд ёшлар ҳам бор. Бундай ёшларга алоҳида эътибор бериш керак. Устоз-мураббийларимиз буни яхши тушунишади. Юқорида айтиб ўтганимдек, уларга 14 та йўналиш бўйича сабоқ берилади. Фортепиано, торли чолғулар, дамли ва зарбли чолғулар, ўзбек халқ чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик ва анъанавий созандалик, бундан ташқари, академик хонандалик, хор-дрижёрлик бўлими, мусиқа назарияси, театр санъати бўлимлари ҳам бор. Миллий рақс, эстрада чолғучилиги, эстрада хонандалиги, рассомчилик йўналишларига қизиқиб ўқиётган ёшларимиз ҳам кўп.

— Ўқув биносига кирар эканмиз, бу ерда талабалар учун барча шарт-шароитлар яратилганлигига гувоҳ бўлдик...

— Талабаларимиз ҳам шу эътиборга муносиб иш кўришаётганлигидан хурсандман. Ўқувчиларимиз эришаётган ютуқларда устоз-мураббийларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ёшларда билимга чанқоқлик, ўқишга, санъат сирларини ўрганишга бўлган иштиёқнинг кучлилигини кўраман. Энг муҳими, улар дарсдан бўш вақтларини ҳам унумли ўтказишга интилишади, ўз келажакларига ёруғ ишонч билан қарашади. Кўпчилик бугунги ёшларнинг билимга чанқоқ эмаслигидан нолийди. Назаримда, ҳамма гап устоз ва шогирдлар орасидаги муносабатда бўлса керак. Нега десангиз, устозидан кўп нарсани ўрганишни истаган шогирд вақтнинг қадрини билади, ёшликдаги озгина дангасалик ҳам жуда қимматга тушишини эртароқ тушунади.

— Ёшлар билан суҳбатлашганимизда улар турли хил мусобақалар, кўрик-танловларда эришаётган ютуқлари ҳақида ҳам тўлқинланиб гапиришди.

— Шогирдларининг иқболини кўриш устоз учун бахт аслида. Кейинги бир йил ичида талабаларимиз эришган ютуқларнинг ўзиёқ уларнинг ёрқин келажагига ишонч билан қарашимиз учун етарли, десам муболаға бўлмас. Коллежимизнинг фольклор жамоаси пойтахтимизда ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» фольклор фестивалининг Республика босқичида лауреатлик дипломи билан тақдирланди. «Нахшаб шоввозлари» номли ёшлар жамоаси Самарқанд шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ўртасида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг Республика босқичида III-ўринга сазовор бўлди. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган «Келажак овози» Республика ёшлар мегатанловида «Мусиқа санъати» номинацияси бўйича халқ чолғу асбоблари кафедрасининг II-босқич талабаси Моҳинур Суннатова, анъанавий ижрочилик кафедрасининг I-босқич талабаси Санжар Чубаевлар фахрли ўринларни эгаллагани ҳам меҳнатларимиз самарасидир. Бундан ташқари, талабаларимиз вилоят ва туман миқёсида ўтказилган турли хил кўрик-танловларда, тадбирларда фаол иштирок этиб келишаётир.

— Коллежда таҳсил олаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам санъатга ошно, албатта. Уларнинг спорт турларига катта қизиқиш билан қараётганлари, мусобақаларда қатнашиб, яхши натижаларга эришаётганларини қандай баҳолайсиз? Демоқчиманки, бунга улар қандай вақт топишади?

— Бу жараён нафақат бизнинг жамоада, балки бутун мамлакатимиз миқёсида кечаётгани қувонарлидир. Кейинги йилларда болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида қаралаётгани ёшларимизни ҳам спортга аввалгидан кўра кўпроқ қизиқтирмоқда. Талабаларимизни кўриб, ёшлик йилларим ёдимга тушади. Тан олиб айтишимиз керак, бизда қанча иштиёқ ва қизиқиш кучли бўлмасин, имкониятлар даражаси тор эди. Бугуннинг ёшларида бундай муаммо йўқ. Уларнинг иқболи ҳам шунда. Спорт залимиз талабалар билан гавжум. Уларнинг ҳар бири ўзи қизиққан спорт тури бўйича шуғулланиш учун тренажёр хоналарига келишади. Дарсдан кейин ҳам бўш вақтини шу ерда ўтказишади. Талабаларимиз ҳозир мусобақаларда янада яхши натижаларга эришиш учун чиниқиш, узлуксиз меҳнат талаб қилинишини тушуниб, келгусида ўтадиган танловларга тайёргарлик кўришаётир.

— Ўқув юртининг маънавият хонасида ҳам кўпчилик талабаларни учратдик. Бундан албатта, хурсанд бўлдик.

— Ёшлар кўп вақтини шу хонада ўтказишади. Ўзбекнинг ҳеч бир яхши куни йўқки, куй-қўшиқсиз ўтмасин. Талабаларимизнинг ҳар бир куни байрамона кайфиятда ўтади. Ҳар битта тадбирга алоҳида тайёргарлик керак. Шундай экан, улар ҳамма вақт ўқишда, изланишда. Кўҳна Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам шодиёналарида коллежимиз жамоаси ҳам иштирок этди. Ўқувчи-талабаларнинг «Эл-юрт таянчи» монументи, Кўк гумбаз жомеъ масжиди ҳамда Одина маж-муасидаги «Ўзликни англаш маркази»га саёҳатларини уюштирдик. Шу пайтда уларни четдан кузатдим. Бой тарихимиз, аждодларимиздан қолган маънавий меросни англаш, ёшларни шу юксакликларга интилиб яшашга ўргатиш йўлида уларга талабчанлик назари билан қарашдан кўра, фикрларини тинглаш, истеъдодларини намойиш этишга имкон бериш маъқул экан. Кўп йиллик иш тажрибам давомида англаганларимга таяниб айта оламанки, коллежимизнинг ҳар бир битирувчиси биз билдираётган катта ишончга муносиб иш кўради, албатта.

Эминжон ЙЎЛДОШЕВ
суҳбатлашди.

САХОВАТ ХУРСАНДЧИЛИК ДЕГАНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

хайрия тариқасида 111 қоп ун тарқатилди. Битта болалар боғчасига тўрт юз минг сўмлик кўмир, яна бир боғчага эса 80 та стул ва 10 дона гилам совға қилинди.

— Инсонлар орзуниятлари, дарду ташвишларини эътиборга олиб, уларнинг оғирини енгил қилиш йўлида хизмат қилаётганимиздан бахтиёрмиз, — дейди Муродил Ҳайдаров. — Ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган кўп фарзандли, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш учун имконият топаяпмиз. Саховат кирган хонадонга, ўзбекча қилиб айтганда хурсандчилик киради. Халқимиз: "Бир кўнгил иморати — минг Макка зиёрати", — деб бежиз айтмаган. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор", — дейилади.

Ҳаётга энди қадам қўяётган, тирикчилик манбаини қидираётган биргина ёш йигитга иш ўрни яратиб беришнинг аҳамияти катта. Муродил Ҳайдаров ташаббуси билан Қува тумани марказида "Дилшод" савдо маркази барпо этилди. 47 та янги иш ўрни яратилди. Ўнлаб тикув машинаси ўрнатилган цехда аёллар кўйлаклари, пардалар тайёрланаётир. Ёшларга пазандачилик, чеварлик, тикувчилик сирларини ўргатадиган ўқув маркази фаолият кўрсатаётир. Иккита нон ёпиш шахобчасининг ўзига саккиз нафар нонвой ишга жойлашди.

Акциядорлик жамияти жорий йилнинг дастлабки ойида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш борасидаги режаларини уддалаб, 120 миллион сўмлик товар айланмасини амалга оширди. Ўн миллион сўмга яқин соф фойда олишга эришилди.

Ўзгалар манфаати йўлида қилинаётган савобли ишлар ҳеч қачон беиз кетмайди. Мудом яхшиликка шошилгувчилар элда азиздир.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ
"Миллий тикланиш" мухбири.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

ҲАР ҚАНДАЙ ИЛМ ТАФАККУРНИНГ МАҲСУЛИДИР

Замон илгарилаяпти. Истиқлол Ватан тақдирига масъуллик туйғусини қалбларимизга жо этди, чуқурроқ билим олиш имкониятини яратди, илмнинг қадру қийматини тушуниб олишга даъват қилмоқда. Қанчалик кўп илмларни ўргансак, юртимиз шунчалик қудратли бўлишини англаб етаяпмиз. Аслида ҳам шундай. Бунга тарихда мисоллар анчагина. Бир куни Хоразмшоҳ Беруний ийга чопар жўнатиб, саройга чақиртиради. Беруний қандайдир сабаб билан кечикиб қолади. Шунда Хоразмшоҳ ўзи отланиб Берунийнинг уйига боради. Шоҳ отдан тушаётганда уй ичидан Беруний чиқиб қолади ва: "Шоҳим, отдан тушманг, мени хижолат қилаяпсиз", — дейди. Шоҳ эса: "Агар давлат расмиятчилиги бўлмаганида эди ҳар куни сенинг ҳузурингга келардим. Чунки илм одамлар сари интилмайди, одамларнинг ўзлари илм томон интиладилар", — дейди. Илмнинг қадри шу қадар баланддир!

Ўн тўққизинчи асрда яшаб ўтган француз файласуфи Огюст Кант: "Ҳар қандай илм тафаккурнинг маҳсулидир", — деган ҳикматни айтган экан. Яъни қачонки тафаккурни чархлаш одат тусига кирса, инсон билимларни пухта ўзлаштиради, шунда қалб олами илм ёғдуси билан мунаввар бўлади. Борди-ю, киши ишбилармон бўлса-ю, лекин маънавий қашшоқлигича қолса, бунинг устига халқ манфаатини эмас, фақат ўз манфаатини кўзлаб яшаса, бундай одамдан жамият учун бирор фойда йўқ. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам "Ёшлар билим эгаси бўлиш баробарида жамоани бошқара олиши, замонавий технологияларни пухта билиши, ўз меҳнат фаолиятида амалий муаммоларни ҳал эта олиши зарур", дейилган. Зиммамизга ёш авлод таълим-тарбияси юкланган экан, бу вазифани адо этишда ўта масъулиятли бўлмоғимиз шарт.

Маълумки, мустақил юрт кишиси янги мафкура билан яшайди, ҳар соҳада янгиланишлар қилиб, ўзининг билим ва иқтидорини кашф этади. Демак, ўқитишнинг ҳам янгича услуби бўлиши зарур. Айни вақтда республикадаги барча мактабларда гидек бизнинг билим даргоҳимизда ҳам таълим тизимидаги ўзгаришларга кенг амал қилиняпти. Илғор педагогик тажрибаларга таяниб, ўқувчига кўпроқ ахборот етказиб бериш, замонавий технологияларни қўллаш, миллий қадриятларимиз шаклланишига йўл очиш, шунингдек, ёш авлодга мустақиллик тарбиясини беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бугунги давр ўқувчиси кечаги кундаги тенгдошидан нимаси билан фарқ қилади? Қаранг, ўтган йилларда мактаб ўқувчиси тайёр билимларни эгалларди, холос. Энди-чи? Бугунги кунда ёшларимиз билимларни ўзлари қидириб, топиб ўрганишади, таҳлил қилишади. Масалан, ўқувчи бу кун экологик муаммолар билан қизиқиши, ишбилармонлик сирларини ўрганиши ёхуд дунё бўйича биринчи ўринга чиқиб қолаётган глобал масалалар ҳақида фикр юритиши мумкин. Шу тарзда у зарур ахборотлар билан танишади, тажрибаларни ўзлаштиради, ўрганилаётган масалани ҳал этиш учун ўзи қай даражада ҳисса қўшиши ҳақида ўйлаб, мулоҳаза юритади....

Биламизки, педагогик технологиялар ўтган асрнинг 60-70 йилларида хорижда ишлаб чиқилган. Ҳозирда дунёнинг барча мамлакатларида бундай технологияларга амал қилинади. Технология юнонча сўз бўлиб, "маҳорат" деган умумий мазмунни англатади. Яъни технологиянинг моҳияти ўтилаётган мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот беришдан иборат. Бу эса ўқувчининг кўпроқ ахборот билан таъминланишига, охир-оқибат мавзу юзасидан мустақил фикр юритиб, уни мушоҳада этишга замин яратади.

Мен болаларга инглиз тили фанидан сабоқ бераётиб, уларнинг фақат тил ўрганиш билангина кифояланиб қолмасликларига, аксинча, мавзуга ҳар томонлама ёндашиб, шу асосда кичик саҳна кўринишлари тайёрлашларига, суратлар чизиб, макетлар ясашларига имкон бераман. Бу нарса ўқувчининг тафаккурини чархлашга ўргатади, у чинакам мустақил бўлиб етишади. Шунингдек, бундай ўқувчи мавзу юзасидан турли ахборотларни тўплаш ва ана шу жараёнда кўпроқ изланишга ҳаракат қилади.

Изланувчанлик жамият хизматига шай турадиган салоҳиятли кадрлар тайёрлашнинг кафолатидир! Йигирма беш йиллик иш фаолиятим давомида шуни тушуниб етдимки, ўқувчини дарсга қизиқтиришда фан ўқитувчисининг ўзини тутиши, муомаласи, феъл-атвори муҳим ўрин тутади. Ўз фанини чуқур билган, севган, илму ҳикматни қадрлай олган педагог вақти келиб ўқувчиларига ҳам буни етказади, албатта. Мақсад эса аниқ — жамият келажаги учун муносиб кадрларни тайёрлашдан иборат.

Мен инглиз тили фанидан сабоқ берган ўқувчиларимнинг аксарияти нуфузли университетларда ўқишмоқда, бир нечтаси чет элдаги дорилфунунларда таҳсил олишаётир. Ўзим ҳам ўтган вақт ичида муваффақиятларга эришдим. Республикамиздаги АҚШ элчихонасининг Фахрий ёрлиқлари, "Аълочи ўқитувчи" дастурининг сертификати билан тақдирландим. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан педагогик фаолиятим юқори баҳоланди. Кўп йиллардан буён ён-атрофимиздаги маҳаллаларнинг кам таъминланган оилалар фарзандларига оталиқ ёрдами кўрсатаман. Хуллас, миллати учун куйинадиган ажойиб кадрларни тайёрлаб бериш педагог зиммасидаги муҳим вазифадир, мен бунга доимо амал қиламан.

Равшаной ҚОДИРОВА,
Андижон шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси.

Тадбир

«ЖАНУБИЙ ПОЧТА» КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида «Жанубий почта» номли ўзбек-француз кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир машҳур француз ёзувчиси Антуан де Сент Экзюперининг Франциядан Африкага почта учувчиси сифатида парвоз этганлигининг 80 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.

Унда хорижий давлат элчихоналари, корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртларидан вакиллар иштирок этишди. Кўргазмадан жой олган фотосуратларда ўтмиш ва ҳозирги замон кишиларининг турмуш тарзи уйғунлашгани йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Ёзувчининг «Жанубий почта» номли китоби уни дунёга танитганди. Бу асар Марказий Осиёда ҳам кенг тарқалди. Кўргазмада Ғарбий ва Шимолий Африка, Жанубий Ўзбекистонда жойлашган икки аср илгариги порт ва аэропортларнинг қадимий фотосуратлари, бундан ташқари ёзувчининг яқинлари ҳамда дўстларига ёзган мактубларидан парчалар, унинг суратлари ҳам бор. Яна 70 га яқин нодир фотосуратлар, видеотасмалар ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари, коллеж ҳамда лицей ўқувчилари ўртасида Антуан де Сент Экзюпери асарлари бўйича танлов ўтказилганди. Ундан танлаб олинган расм ва иллюстрациялар, ёш конструкторлар томонидан тайёрланган авиация ва ракета техникаси модели ҳам кўргазмага қўйилди. Шу куни танлов ғолиблари аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мазкур сана муносабати билан «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти томонидан махсус хотира тамғаси тайёрланди. «Жанубий почта» кўргазмаси «Шарқ ва Ғарб, Тошкент чорраҳаси» 1-халқаро замонавий санъат фестивалига тайёргарлик доирасида ўтказилди. Бундай кўргазма Парижда ҳам ўтказилиши мўлжалланмоқда. Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳар икки халқнинг янада яқинлашувига, икки халқ маданиятининг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Иззат АҲМЕДОВ.

Жамият ва қонун

Қўй ўғрилари

Тошкент тумани ИИБга бир вақтнинг ўзида тўрт нафар фуқародан ариза тушди. Қизиғи шундаки, аризаларнинг мазмуни деярли бир хил. Фуқароларнинг уйи атрофида юрган қўйлари куппа-кундуз куни ўғирлаб кетилган.

Ўтказилган чора-тадбирлар натижасида воқеанинг қандай содир бўлгани аниқланди. 21 ёшли Ислом дўсти Носир билан олдиндан қўй ўғирлашни келишиб олишганди. Келишувга кўра Носир ўзи бошқарувидаги "ВАЗ — 21011" русумли автомашинасида Умаров номли ширкат хўжалиги ёнида шеригини кута бошлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай ўлжа ҳам кўринди. Ислом олдиндан мўлжалланган Алиназаровнинг уйи олдидан бир бош қўйни яширин равишда ўғирлади. Сўнгра икки шерик Тошкент шаҳридаги бозорда 70 минг сўмга қўйни пуллаб, даромадни келишилган тарзда бўлишдилар.

Ишлари бароридан келган оғайнилар навбатдаги режани амалга оширишди. Қизиғи шундаки улар хуфёна ишларини кундуз кунлари бажаришга келишишганди. Сабаби хонадон эгалари ўз юмушлари билан банд бўлганда, уй атрофида қаровсиз қолган қўйларни ўғирлаш улар учун айни муддао эди.

Кейинги режа Келес шаҳар Ҳ.Олимжон кўчасида яшовчи фуқаро Тошкенбоеванинг мулкига ҳужум қилиш эди. Теваракни кўздан кечириб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган ўғрилар навбатдаги молни яна ўша машинанинг багажига жойлашди. Оёқ-қўли боғланган қўй бозорда 35 мингга пулланди. Келишилгандек пуллар бўлишиб олинди.

Навбатдаги иш бажарилиши керак бўлган вақтда автоулов тихирлик қилгандек бузилиб қолди. Уста қидириб йўлга чиққан иккволон кўчада боғлиқ қўйга кўзлари тушади. Текин ўлжадан келадиган даромад уларни ўйлантириб ҳам ўтирмади. Дарахтга боғланган иккита қўйни ечиб олиб, "Москвич" русумли автомашинани тўхтатишади. Яна ўша бозорга бориб бирини 55 минг, иккинчисини 62 минг сўмга пуллашади.

Орадан вақт ўтиб автоулов яна ўғирликка шай бўлади. Икки оғайни Келес дарҳасидаги сомсахонага бориб навбатдаги ишни режалаштирмоқчи бўладилар. Қорин тўйгач нарироқдаги қуриб битказилмаган иморат ёнидаги дарахтга боғланган уч бош қўйга кўзлари тушади. Яхшироқ нархга пуллаш мумкин бўлгани қора рангли пешонасида оқ қашқаси бор қўчқор эди. Шу ернинг ўзида жиноят содир этилди. Қўчқор эса 90 минг сўмга бозорда пулланди.

Ҳаром йўл билан топилган пул уларга буюрмасиданоқ бу ҳақда керакли жойда сўзлаб беришларига тўғри келди. Айни кучини фойдали ишларга сарфлайдиган йигитларнинг танлаган қиғир йўли уларни панжара ортига етаклади.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Эҳтиром

ШОГИРДЛАРИ КЎП УСТОЗ



«Арқонни узун ташлаш керак, вақти-соати келганида бир-бир тортиб турсанг бўлгани, ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб қолади», — дейди устоз кўпинча. Вақт ўтгани сари бу гапларнинг оддий гап эмас, мисоли бир ҳикмат эканлигини англаб борар экансиз. Биз — шогирдлар устознинг шунга ўхшаш ҳаётий тажрибаларга бой маслаҳатларини ҳар қадамда қўллаб келамиз. Баъзан ҳаётда, ишда ёшлик, қизиққонлигимизга бориб талабалар билан фикрлаша туриб тортишиб қоламиз. Ана шу вақтда устознинг берган ўгитлари асқотади, сабрли бўлишга, арқонни узун ташлашга ҳаракат қиламиз. Шогирдлар йиғилишсак, ҳар кимнинг ҳам шундай яхши устози бўлсин, деб қўямиз.

«Бахт учун миллион», «Фотима ва Зуҳра», «Муҳаббатимсан», «Ромео ва Жульетта ёхуд лаънатланган севги» бадиий фильмларини кўрганимизда қалбимизда ажиб ҳиссиётлар уйғонади. Бу фильмларнинг томошабинлар эътиборига ҳавола этилишида умрини санъат йўлида фидойиликка бағишлаган Улуғбек Зуфаровнинг ҳиссаси жуда катта бўлганини биров билса, биров билмайди. Бадиий тўқималардан усталик билан фойдаланишда, буюк адибларнинг асарларини экранлаштиришда унинг юксак маҳорати қўл келади доим.

Келинг, яхшиси устознинг умр дафтарини биргалашиб варақлайлик. У мактабдаги таҳсилдан кейин 1966-71 йилларда Тошкент давлат театр ва рассомчилик институти (ҳозирги М. Уйғур номидаги ТДСИ)да таълим олди. Ўқиш жараёнидан ажралмаган ҳолда 1968 йилдан бошлаб Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек драма театрида аввал режиссёр ассистенти, сўнгра саҳналаштирувчи режиссёр вазифаларида ишлади. Институтни муваффақиятли тамомлагач, 1972 йилда М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бош режиссёр бўлиб ишга жойлашди.

У 1972-80-йилларда Ленинград театр, мусиқа ва киноматография институтида ўқиди. У ерда машҳур режиссёр, профессор Г.А.Товстоноговнинг қўлида тажриба орттирди. 1975 йилдан ҳозиргача Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида ишлаб келмоқда. Улуғбек Зуфаров 30 йилдан ортиқ педагогик фаолияти давомида ўнлаб режиссёрлик ва актёрлик курсларида юзлаб шогирдларга устозлик қилди. Улар ҳозирги кунда республикамиз ва бир қатор хориж давлатларидаги кино, театр санъати даргоҳларида ишлашмоқда.

Миллий академик драма театрининг режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров, Ўзбекистон ёшлар театри бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Наби Абдураҳмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов, кинорежиссёрлардан Ўзбекистон санъат арбоби, Зулфиқор Мусоқов, Нуриддин Қосимов, Собир Назармуҳаммедовлар ҳам фахр билан Улуғбек Зуфаровни устозимиз, дея ҳурматлашади. Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоблари Нурлан Абдуқодиров, Алима Океевалар ҳам устознинг қўлида таҳсил олганлар. Республикамиз театрларида ишлаётган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фотима Режаметова, Жалол Юсупов, маҳоратли актёрлар Ойбек Қаюмов, Меҳриддин Раҳматов, Тамара Ҳазратқулова, Баҳодир Мирмаҳсудов, Пўлат Норматовлар ҳам ҳамиша устознинг маслаҳатлари билан иш тутишади. Улар театрларимиз саҳналарида ва бадиий фильмларда қатор роллар ижро этиб, томошабинлар қалбидан жой топиб келмоқдалар.

Институтимизнинг «Ўқув театри»да Ё.Акромнинг «Оқ булутга ўралган гуноҳ», А.Қаҳҳорнинг «Даҳшат», В.Шекспирнинг «Қайсар қизнинг қуйилиши», К.Гольдонинг «Икки бойга бир малай» спектакларининг саҳналаштирилиши ҳам бу инсоннинг заҳматли меҳнати самарасидир. Устознинг педагогик маҳорати, кўп йиллик иш тажрибаси талабаларга оталардек меҳрибонлигида, уларни эркин ижодга, ҳар қандай мураккаб вазиятлардан ҳам чиқишга ўргата олишида кўринади. Талабаларнинг ҳам саҳнадаги, ҳам ҳаётдаги биринчи маслаҳатгўйи бўлишига ҳам барчага бирдек меҳрибонликлари сабаб бўлади.

Устознинг ўгитлари ҳаёт йўлларида учрайдиган камчиликлар, катта синовлардек кўринган қийинчиликларни енгиб ўтишда сабр-тоқатли бўлишга ўргатади бизни. Бу инсоннинг айтган гаплари умримизнинг ҳар бир қадамида биз учун намуна бўлаётир. Бугун ҳам устоз қизғин ижод билан банд. Улуғбек Зуфаров муаллифлигида иккита ўқув адабиёти нашрга тайёрланди. Ойбек Вейсал ўғли ва Улуғбек Зуфаров қаламига мансуб «Муҳаббатим қисматим» номли ўн икки серияли видеофильмни суратга олиш жараёни ҳам бошланган. Устоз ҳаммуаллифликдан ташқари бу видеофильмга бадиий раҳбарлик қилаётир.

Устозимиз ҳамон шижоатли, ғайратли эканлиги биз — шогирдларининг бахти, албатта. Ҳар гал уларни кўрганимизда ҳавасланиб, эзгу ишларингиз йўлида куч-қувват, бардамлик сизга ҳамроҳ бўлсин, ҳорманг, устоз, дегимиз келади.

Олим ДАДАМИРЗАЕВ,
Тошкент давлат санъат институти ўқитувчиси.
Жамшед ТОҒАЕВ,
талаба.

Мерос

НАВОИЙ ВА ШАРҚ ТАБОБАТИ

Табобат энг қадимги фанлардан ҳисобланади. Шу боис унинг тарихини инсоният тарихи дейишади. Қадимги Шарқ — Миср, Ҳиндистон, Марказий Осиё халқлари эрамиздан икки минг йиллар аввал ҳам юзлаб касалликларни билганлари ва уларни даволаганлари ҳақида турли маълумотлар мавжуд.

Ҳа, Шарқ табобати қадим тарихга эга. Уни умумлаштириб, жаҳонга ёйган аллома Абу Али ибн Сино ҳисобланади. Айниқса, олимнинг «Тиб қонунлари» китоби кўпгина асарларнинг дунёга келишига туртки берди. Асрлар давомида йирик донишманд табиблар бу китобга шарҳлар ёздилар. Унга тақлид қилиб, ўз она тилларида асарлар яратдилар. Марказий Осиё, Эрон, Хуросон, Ҳиндистон, Кичик Осиё ва Арабистонда табобатга оид асарлар пайдо бўла бошлади. Бу анъаналар Алишер Навоий давригача ва ундан кейин ҳам давом этиб келди.

Навоий табобат фани асосларини яхши билиши, унга қизиқиши, халқ аҳволини яхшилашга қаратилган ҳаракати туфайли Ҳиротда Дорушшифо деган номга сазовор бўлди. У даволаш уйи очилишига ўз ҳиссасини қўшган, шу ерда машҳур табибларнинг тўпланиши, уларнинг бамаслаҳат ишлашлари — табобат илмини ривожлантириш учун қулайликлар яратганди. Шифохонада барча шарт-шароитлар яратилганди. Бино ёнида Кавсар мисоли бир ҳовуз бўлган. Беморлар учун бепул дори-дармонлар берилган, парҳез таомлар тайёрланган. Узоқ юртлардан келганлар ҳам бу жойда даволанишган.

Навоий асос солган Дорушшифонинг, шифохонада ишлаган табибларнинг довруғи оламга ёйилди. Ўша пайтларда қурилган касалхоналарда бош ҳаким тайинлаш ва бошқа табибларни пухта текшириб ишга олиш усули мавжуд бўлган. Бу ҳақда Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган «Касалликлар тарихи» номли китобда шундай маълумотлар келтирилади: Адуд ад-Давла ўз номига атаб қурдираётган касалхона битганидан кейин, унда энг яхши табиблар ва олимлардан иборат жамоа ишлаши керак деб, Бағдоддан машҳур табибларни сўрашади. Ҳисоблаб чиқилганда уларнинг сони 100 дан ортиб кетади. Адуд ад-Давла уларнинг орасидан табобат илмидаги маҳорати ва қобилиятига қараб, 50 нафарга яқинини танлайди. Розий ҳам шулар орасида бор эди. Кейин 50 табибдан ўн нафарини, ўн нафардан эса учтасини танлади. Розий шу уч кишидан бири эди. Сўнг учтасидан бирини танлайди. Розий уларнинг энг афзали бўлиб чиқади ва Адуд уни ўз касалхонасига бош ҳаким қилиб тайинлайди.

Дорушшифога жалб этилган табиблар синовдан қандай ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар кам. Бироқ, бош ҳаким тайинлаш Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа мансабдор шахслар маслаҳатисиз амалга ошмаган. Дорушшифодаги табиблар ҳақида Навоийнинг шогирди, машҳур тарихчи, шифохонани ўз кўзи билан кўрган Хондамир «Хулосат ул-ахбор» («Хабарлар хулосаси») номли китобида шу ҳақда ёзиб қолдирган.

У Дорушшифода хизмат қилган табибларнинг ҳар бири ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб, уларни «Хизр қадамли ҳакимлар», «Исо нафаслик табиблар» деб айтади. Шулардан бири Мавлоно Ғиёсуддин Муҳаммад табибдир. У нафақат табиб, балки ажойиб шоир ҳам бўлган. Навоий уни шоир сифатида ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарига киритади ва у ҳақда шундай ёзади: «Мавлоно Ғиёсуддин толиби илм ва хуштаъб йигитдур. Ҳало табобатқа машғулдур ва шуҳрати табобатда ўзга ишлардин кўпрак эмишдур...»

Ғиёсуддин Муҳаммад фақат шифохона табибларига дарс бериш билан чекланмай, беморларни даволаган, тиббий асарлар ҳам ёзган. Хондамир китобида яна бир табиб ҳақида шундай маълумот келтиради: «Мавлоно Дарвеш Али табиб — чиройли сифат, ёқимли хислат, ширин сўз, хушфеъл, табиатининг поклиги ва дилни тортиши билан замон табибларининг энг зўридир...»

Мавлоно Дарвеш Али табиб йирик олим ва ҳозиқ табиб бўлганлиги учун ҳам Дорушшифога ишга олинган. Дарвеш Али Дорушшифода ишлаётганда анча кексайиб қолганди, у табобат соҳасида катта тажрибага эга эди. Хондамирнинг «Замона табибларининг энг зўри» деб ёзиши шундан эди. Дорушшифонинг мударрислиги ва муолажа ишлари унга топширилган. Бу табиб ўз ихтиролари билан ҳам машҳур эди. Шу боисдан бўлса керак, у Навоийнинг илтифотига сазовор бўлган.

Навоий Дорушшифога ана шундай кучли табиб ва олимларни жалб этганди. Шунинг учун ҳам бу Дорушшифонинг шуҳрати Моваройннаҳрга ёйилган. Хондамир ўз асарида яна кўп табибларга таъриф беради. Мавлоно Қутбиддин ҳам Дорушшифода ишлаган йирик табиблардан бири бўлган. Муаллиф уни «ўз даврининг Жолинуси ва ўз аҳду асрининг Буқроти эди» деб тилга олади. У Дорушшифода дарс берган, жуда машҳур табиб бўлган. Мавлоно Қутбиддиннинг душманлари унга ифво тошини отиб, ўз ишидан кетишга мажбур қилишади.

Дорушшифо табиблари ўз даврида нафақат Ҳирот табобатчилигига, балки ўзга юртлар ва давлатларда ҳам табобат фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. XVI аср табобати тараққий этишига таъсир кўрсатдилар. Ана шундайлардан бири Юсуфий Муҳаммад ибн Юсуф ат-Табиб ал-Ҳаравийдир. Юсуфий XVI асрнинг кўзга кўринган олими, шоири ва табибларидан бўлган. У XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросоннинг Хоф шаҳрида машҳур олим Муҳаммад табиб оиласида таваллуд топди. Кейинчалик улар Ҳиротга кўчиб келишади. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва Моваройннаҳрда яшаган табиблар орасида энг сермаҳсули Юсуфийдир. Ундан бизгача жами 21 та асар етиб келган. Айниқса, «Тибби Юсуфий» («Юсуфий табобати») асари унга шуҳрат келтирди. Юсуфийнинг довруғи Шарққа кенг ёйилганди. У Афғонистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан танишади. Бобур Ҳиндистонни эгаллагач, хат йўллаб уни ҳузурига чақиради.

Шундай қилиб, Алишер Навоий бошлаган савобли иш ундан кейин ҳам XVI асрда яшаган табиблар томонидан давом эттирилди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, улуғ шоир ўз даврининг барча фанларини ривожлантириш билан бирга, табобатнинг ҳам юксалишига сабабчи бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан Ҳирот табобатчилиги бошқа мамлакатларникидан ўзиб кетди. Ўша даврлардан бошланган Шарқ табобати анъаналари ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

А. ИЗЗАТОВ тайёрлади.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Миллий тўй либослари

— Бу либос XIX асрга мансуб бўлиб, қозоқ миллатининг келинлари тўй куни кийишади, — дейди тикувчи Эътиборхон Обидова. — Республика Рассомлик коллежи либос дизайни бўлимини тугатаётганимда либосни ўзим тикканман. Буни яратишимдан мақсад, тарихий анъаналарни тиклаш, турли халқларнинг миллий либосларини ёшларимизга кўрсатиш эди.

Аҳамият берсангиз, тўй либоси бир неча деталлардан иборат. Булар — ички оқ матодан тикилган кўйлак, нимча ва тўн. Уларнинг ҳаммасига тилла иплар билан кашта тикилган. Бош кийими эса сакуле деб номланади. У 20-45 см. баландликда. Унинг баландлиги келиннинг бой хонадондан эканлигини англатган. Сакуленинг юқори қисми ғоз пати билан безатилган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бўлиб, у келинни ёмон кўзлардан асрасин, дея ният қилинган. Келин либоси тилла пластинкалар билан безатилган.

Айни вақтда К.Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институти санъатшунослик бўлимининг 1-курс магистратура бўлимида таҳсил оляпман. Яратган либосим мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб "Ўзбекистон — умумий уйимиз" номли кўргазмада намойиш этилмоқда. Ниятим халқларимизнинг миллий либосларини яратиб, уларни ёшларга етказиш ва миллий анъаналаримиз тикланишига ўз ҳиссамни қўшиш.

Адиба ФАЙЗ.

СУРАТДА: Эътиборхон Обидова шогирди билан. Азамат АҲМАД олган сурат.

Ёғоч ўймакорлиги санъати. Миллий ҳунармандчиликнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу турининг бугун ҳам юртимизда усталари бисёр.

Зийнатилла Алимбоев ҳам бу ҳунарнинг усталаридан ҳисобланади. 27 йилдан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаётган устанинг моҳир қўллари тайёрлаган буюмлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз эътирофини топган. Париж, Будапешт, Берлин ва Москвада ўтказилган кўргазмаларда муваффақият билан қатнашган Зийнатилла Алимбоевнинг ўндан ортиқ шогирдлари устозлари изидан бориб, ўз ҳунарлари билан элимизга хизмат қилишмоқда.

СУРАТДА: Зийнатилла АЛИМБОЕВ шогирди билан.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Ўқинг, қизиқ!

ҒАРОЙИБ ҲОДИСАЛАР

Ўлиб тирилган одам

Мисрлик Али-Абдил-Раҳим Муҳаммаднинг юраги Александрия шаҳрига яқин дарёларнинг бирида чўмилаётганда тўхтаб қолади. Қутқарувчилар ҳушидан кетиб сув тагига чўкиб кетган Абдил-Раҳимни қирғоққа олиб чиқиб, ҳар қанча нафас олдиришга уринишмасин ҳеч натижа чиқмайди.

Шифокорлар унинг вафот этганини маълум қилиб, бир неча соатдан кейин жасадни майитхонага топширишади. Кечқурун мурҳумнинг қариндош-уруғлари Абдил-Раҳимни олиб кетишга майитхонага келишади. Майит ётган мис тобутнинг қопқоғини очган ҳамшира ўзига совуқ қўлнинг ёпишганини сезиб: "Ёрдам беринглар", — деб жон ҳолатда ташқарига отилади. Тобутдан кўкарган мархумнинг туриб келаётганини кўрган қариндошлар ҳам қўрққанларидан қочиб қолишади.

Маълум бўлишича, Абдил-Раҳим ўлмаган экан. Шифокорлар уни ўлган деб, майитхонага юборишган. Унинг эса танасига жон кириб — исиган. Агар қариндошлари сал кеч қолганларида бу ердаги музхонада росдан ҳам вафот этарди.

— Мен ҳушумга келганимда қоп-қоронғи тор қафасда ётганимни билмадим, — дейди ўлиб тирилган Абдил-Раҳим.

Шунга айтишар экан-да, ризқи ҳали бу дунёдан узилмаган, деб.

Уйини ташлаб қочибди

Шимолий Ирландияда уруш қатнашчиси Морис Дэвис феъли бузуқ арвоҳдан қўрққанидан Англиядаги уйини ташлаб қочишга мажбур бўлибди. Сабаби, унинг уйига жойлашиб олган ёвуз арвоҳ Дэвисга кундузи ҳам, кечаси ҳам тинчлик бермаган. Ўша арвоҳ ҳатто Мориснинг аёлини бўғиб ўлдирмоқчи бўлибди.

Дэвиснинг уйида электр чироқлари тез-тез ўчиб қоладиган, эшиклар ўз-ўзидан очилиб-ёпиладиган, қўрқинчли товушлар эшитиладиган бўлади. Бир куни Морис Дэвис дўстларини уйига меҳмонга таклиф қилади. Ўйнаб-кулиб ўтирган меҳмонлар стол устида турган мева тўла идишнинг ҳавога кўтарилганини кўриб, қўрқувдан ҳушларидан кетиб қолишади. Бир оздан сўнг ҳавода муаллақ турган чинни идиш ўз-ўзидан чилпарчин бўлиб, бўлакларга бўлиниб кетади.

Орадан кўп ўтмасдан Морис Дэвис Элиза исмли қизга уйланади. Элиза хоним уйга келган пайтиданоқ, гўё арвоҳ билан қарама-қарши бўлиб қолади. Бирда Элиза сочини ювётса, орқасидан аллаким келиб итариб, бошини ваннадаги сувга ботирмоқчи бўлади.

Уйда ликобчалар ўз-ўзидан учади. Қулоққа ёқимсиз, кесатиқ кулгу, аччиқ товушлар эшитилади. Сабри тугаган Морис Дэвис охири уйини ташлаб, кўчиб кетади.

Кейинчалик бу уй бузилади. Сабаби, Морисдан сўнг эгасиз қолган уйда текин деб бир неча киши истиқомат қилади. Аммо улар ҳам ёвуз арвоҳларга дуч келиб, бунга бардош беролмасдан, уйни ташлаб қочишади.

Чинқирувчи капалаклар

Шундай махлуқлар ҳам бўлар экан. Чинқирганида товуши қулоқни қоматга келтирадиган, енгил, юпқа ҳашаротлар қадим замонлардан буён халқлар орасида боқий дунёнинг вакили ҳисобланиб келинган. 1833 йили Зонд кўрфазида Кракатов ёнартоғидан кучли вулқон отилган. Шундан кейин Ява ороли қирғоқларида сон-саноқсиз капалаклар пайдо бўлган. Капалакларни яваликлар: булар ёнартоғ отилганда ҳалок бўлганларнинг жони бўлса керак, деб ўйлашган.

Шу сабаб Европада капалаклардан қўрқишган. Улар бундай капалакларни "қоқбош" деб аташган. Чунки капалакларнинг орқасида ростдан ҳам одамнинг бош суяги тасвирланган сурат бўлган. Халқ тасаввурида агар бу капалак бемор ётган хонага кирса, унинг ҳоли мушкуллашган. Бундайлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин дейишган. Агар капалакдан товуш чиқса, бу мархумнинг жанозасини ўқиш билан баробар бўлган.

Айтишларича, "қоқбош" учиб келаётиб ҳам чинқирар экан. Хуллас, бу жумбоқ капалакларнинг ечимини топгунга қадар тағин бир неча ўн йиллар ўтиши мумкин. Фақат шу нарса аниқ бўлганки, улар оғзи билан ҳам, бурни билан ҳам нафас олмаган.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

СПОРТ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ КЛУБИ ОЧИЛДИ

Наманган шаҳрида аёллар спортини ривожлантириш борасида яна бир эзгу иш амалга оширилди. "Чаманзор" даҳасида "Зафар" соғломлаштириш клуби фаолият кўрсата бошлади.

Ҳозирда бу ерда хотин-қизлар бўш вақтларини унумли ўтказишаётир. Шахмат-шашка, хореография, тренажер хоналари гавжум. Бундан ташқари, тиббиёт ва сауна хизматидан ҳам фойдаланиш имконияти яратилган.

Шунингдек, аэробика, акробатика, замонавий рақс, фитнес, фольклор йўналишларини ўз ичига олган гимнастрада спорт турини ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Шу мақсадда маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари, маданият ва спорт ишлари бўлим мудирлари, фаоллар иштирокида ўқув-семинар ҳам уюштирилди.

— Марказ хотин-қизларимиз саломатлигини мустаҳкамлаяпти, — дейди "Сиҳатгоҳ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одинахон Пўлатова.

Бундай спорт клубларини вилоятнинг чекка қишлоқларида ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

Оқилхон ДАДАБОЕВ.

МАБЛАҒДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИЛДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг 2006 йилдаги молиявий ҳисоботи партиянинг 2007 йил 23 январдаги навбатдаги VII пленумида кўриб чиқилди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Х.Мирзажонованинг ахбороти тингланди. Партиянинг 2006 йилда тасдиқланган бюджети бўйича давлат бюджетидан ажратилган маблағ 192 миллион 305 минг сўм, бюджетдан ташқари тушумлар 3 миллион 206 минг 700 сўмни ташкил этади. Маблағларнинг асосий қисми Марказий кенгаш девони, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг фаолиятини ташкил этишга, ходимлар маошига, тарғибот-ташвиқот тадбирларига, ўқув-семинарлар, учрашувлар ҳамда «Миллий тикланиш» газетаси таҳририятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун сарфланди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида партиянинг молиялаштирилиши 146 нафар туман, 56 нафар вилоят, 19 нафар Марказий кенгаш ходимларининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга асос бўлди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Саломатлик сирлари

УЗОҚ ЯШАШ НИМАГА БОҒЛИҚ

Узоқ умр кўриш сири инсониятни қадим-қадимдан ўйлантириб келган. Биздан олдинги авлод вакиллари ҳам соғлом ва бақувват бўлиш, узоқ яшаш мақсадида халқ табобатидан кенг фойдаланганлар.

Кимдир унчалик маълум бўлмаган ўсимлик томирини қайнатиб ичиш билан яшармоқчи бўлса, яна биров аллақандай таомларни истеъмол қилиш билан бир умр навқиронлигини сақламоқни истаган. Навқиронликни йўқотмаслик учун «Оби зам-зам», «Сеҳрли ўсимлик», «Муқаддас сув», «Боқийлик элаксири», «Яшартирувчи» каби омиллардан фойдаланишган. Узоқ яшаш орзуси оғизданоғизга ўтиб, асрлар оша афсоналарга айланиб қолган.

Қадимги эртаклардан бирида шундай ҳикоя қилинади. 80 ёшга кирган бир чол ўтин териб чарчагач, ҳордиқ чиқармоқ учун кўм-кўк булоқ сувидан ичади. Отахон шу заҳотиёқ ёш йигит қиёфасига киради. Уйга қайтиб, бўлиб ўтган воқеани кампирига айтади. Кампир ҳам ёш бўлишга ошиқиб, булоқ сувидан кўпроқ истеъмол қилгани боис бўйи етган қиз ўрнига чақалоққа айланиб қолади.

Улуғ ҳаким Букрот ва унинг шогирдлари табиий ноз-неъматлардан оқилона фойдаланишни узоқ умр гарови деб билишган. Қадимги Ҳиндистонда кўп яшаш учун йўлбарснинг пушт безлари, ёш молнинг жинсий аъзолари, Хитойда аёллар сути, кийик, шер ва бошқа ҳайвонларнинг тана безларини истеъмол қилиш одат бўлган. Шунингдек, ўрта асрларда ёш болалар қони яшартириш воситаси саналган. Шу боис амалдор ва зодагонлар гўдаклар умрига зомин бўлишган. Франция қироли Людовик XI ҳаётини узайтириш мақсадида

болалар ва ёш қизларнинг нафасини ўз ичига ютиб ором олган. Ўша кезда ошқозонни бот-бот тозалаб туриш, томирдан қон олдириш узоқ яшашнинг омили ҳисобланарди. Бу ақидага амал қилган Людовик XIII ҳам умрини узайтиришни хуш кўриб, ўн ой мобайнида 215 марта ич сурадиган дори ичиб, 210 бор ичакларини ювдирган. Устига-устак 47 маротаба қон олдирган. Афсуски, бу хатти-ҳаракатининг нафи тегмади. Унинг умри узайиш ўрнига, ҳаёти хавф остида қолди.

Ўрта аср кимёгарлари одамни ёшартириш ва узоқ умр кўриш муаммосини ҳал этишга астойдил уринишди. Швецариялик шифокор Парацельс «боқийлик тоши» деган буюмни ихтиро қилди. У тахминан инсонга 600 йил яшаш имконини берар эмиш. Шуниси қизиққи, 600 йил умр кўришга даъват этган ихтирочининг ўзи 48 ёшида оламдан ўтган.

Қанча умр кўриш кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ. Абу Али ибн Сино узоқ яшаш хусусида фикр юритиб, феъл-атворнинг юмшоқ, вазмин бўлиши, ўз вақтида овқатланиш, озода юриш ва танани ортиқча нарсалардан тозалаб туриш, қадди-қоматни тўғри тутиш, бурун орқали нафас олиш, кийимнинг танага мослиги, жисмоний ҳамда руҳий ҳаракатларнинг бир-бирига уйғунлиги, тўйиб ухлаш ва ўзини тетик тутишга алоҳида эътибор беришни уқтирган эди. Буюк табибнинг бундан минг йил муқаддам айтган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз маъносини йўқотгани йўқ.

Ҳаётда ким узоқ яшашни истамайди дейсиз? Умрбод навқирон бўлиб юриш омиллари бормикин? Узоқ умр кўриш учун гўзал табиат, шифобахш гиёҳлар, кенг ва озода уй, меҳрибон аёл, содиқ дўст, жисмоний меҳнат, меҳр-оқибатли қариндош, аҳли жамоа, адолатли жамият, шунингдек, инсоннинг руҳий олами ҳамда ички ва ташқи омилларнинг таъсирига ҳам боғлиқдир. Серҳаракат киши ҳамиша соғлом ва бақувват бўлади. Нимжон, нўноқ, дангаса, заҳматни хуш кўрмайдиганлар жаҳлдор ва бадфеъл бўлишиб, узоқ умр кўриш бахтидан маҳрумдирлар. Узоқ умр кечирганларнинг барчаси ишга жасоратли, ғайратли, кўркмас, қувноқ ва хушчақчақ, одамохун, софдил инсон бўлишган.

Иззат АҲМЕДОВ.

Жаҳон ҳафта ичида

ГАРРИ ПОТТЕРНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ



Сеҳргар болакай Гарри Поттер ҳақидаги янги китоб буюртмалар бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. 2007 йилнинг 21 июлида сотувга чиқадиган ушбу китобга буюртмаларни Amazon интернет-магазини қабул қилмоқда.

Reuters ахброт агентлигига маълум қилишларича, мазкур китобга 1 февралнинг ўзида тушган буюртмалар аввалгига нисбатан 547 фоизга ошиб кетган. "Гарри Поттер ва ўлим фаришталари" деб номланган ушбу китоб Гарри Поттер эпопеясининг еттинчи асари саналади.

Гарри Поттер ҳақида илгари эълон қилинган олти китоб дунёнинг 64 тилига таржима қилинган ва 325 миллион нусхада сотилган.

ЎЗИГА ХОС РЕКОРД



Америкалик Жо Честнатнинг 182 та жўжани пакқос туширишига тўғри келди. Натижада профессионал овқат еювчи Филадельфияда йилда бир маротаба ўтказиладиган "Жўжа Кубоги"да ғалаба қозониш имконига эга бўлди.

"Мен овқат ейишни жуда яхши кўраман. Бугун менга жўжаларни бутунлай ютишга, суякларни ғажишга, бир сўз билан айтганда, нима дуч келса, шуни ейишга тўғри келди", — дейди Сан-Хосенинг 23 ёшли фуқароси.

Тақдирлаш маросимида ғолибнинг бошига резина жўжалар билан безатилган тож кийдирилди.

АСТРОНАВТЛАР ОЧИҚ ФАЗОДАН ҚАЙТИШДИ

Астронавтлар Майкл Лопес Алегриа ва Сунит Уильямс Халқаро космик станция сиртидаги ишларни бажариб, шлюз-камерага қайтишди.

Мутахассислар очиқ фазога чиқишдан олдин режалаштирилган барча ишларни бажаришга муваффақ бўлишди. Улар станцияни совутиш ва энергия билан таъминлаш тизимига тегишли ишларни давом эттиришди ва қуёш панелини суратга олишди. Ушбу панел "Атлантис" шаттли билан туташувдан олдин, яъни март ойида буткул олиб ташланади.

Очиқ фазодаги иш бир соат давом этди. Худди илгари бўлгани сингари, совутиш тизимини текшираётган онларида уларнинг қўлқопига аммиакнинг маълум миқдори тўкилиб кетган. Астронавтларнинг очиқ фазога навбатдаги "саёҳат"и 8 февралда мўлжалланган. 22 февралда эса Лопес Алегриа билан биргаликда россиялик Михаил Тюрин ҳам очиқ фазога чиқади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ялт этган фикрлар

КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ЎЙЛАР

Кимларгадир суянч бўлишни истасанг, аввало, ўзингни оёққа турғазиб олмоғинг лозим.

* * *

Ўзгаларга халақит бермай яшаш ҳам катта санъатдир.

* * *

Ҳақорат ва камситиш эвазига нафрат олиш мумкин холос.

* * *

Вақт, тартиб ва сабр муваффақият калитидир.

* * *

Ҳаёт лотерея кабидир, энг қизиғи, у ютуқсиз эмас.

* * *

Ҳар бир ҳаракатимизга ҳаёт акс-садо қайтаради.

* * *

Бизнинг бахтсизлигимиз арзимас нарсаларга ҳам сиқилишимиздадир.

* * *

Ҳар бир инсоннинг омади кўнглининг аксига ўхшайди, яъни унинг атрофидагиларга муносабати қандай бўлса, омаднинг ҳам унга муносабати шундайдир.

* * *

Асабийлик — омадсизликнинг маҳсулидир.

Омадсизлик — бу бахтсизликнинг натижасидир.

Бахтсизлик — бу ношукрлик ва тасаввурнинг натижаси ҳисобланади.

* * *

Суҳбат жараёнида «мен» деган сўзни олиб ташлаш бу яхши суҳбатдош бўлишингизни таъминлайди.

* * *

Кимнингдир сизга ачинишидан сақланинг.

* * *

Мастлик бу муҳтожликнинг биринчи кўринишидир.

* * *

Ҳаётни севиш, унинг ҳар қандай ривожланиш нуқтасини кузатиб, бевосита унда ўз иштироки ва таъсирини таъминлай билиш ҳаётда биринчи бўлишимизни ҳамда тараққиёт билан ҳамнафас қадам ташлашимизни таъминлайди.

Нуржаҳонбегим АВАЗОВА.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — факс: 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2358
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4

Босишга топширилди 20.30